КПСС XXVI СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ЯГОНА ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 10 (7400). ◆ 15 январь, 1981 йил ◆ ПАЙШАНБА Баҳоси 2 тийин.

Ўзбекистон қисқа бир тарихий муддатда — Совет ҳокимияти йилларида етук социализм қарор топган миллий совет республикасига айланди, сўнгги беш йилликда ҳаётнинг ҳамма соҳаларида илгарилаб кетди. Улкамизнинг шарққа машъал бўлиб қолган маркази Тошкент ва пойтахт областида ҳам КПСС XXV съездидан кейин катта бунёдкорлик ишлари, улкан ўзгаришлар рўй берди. Мана шу беқиёс равнақка биз Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсати туфайли, совет халқлари бузилмас дўстлиги, қардошлиги ва ҳамкорлиги туфайли эришдик.

Тошкент воҳасида ҳозирги кунда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари қўлни-қўлга бериб нурли келажак — коммунистик жамиятни бунёд этмоқдалар. Газетамизнинг бугунги сонида қардош халқлар ягона оиласида гуллаб-яшнаётган серқуёш Совет Ўзбекистонимиз пойтахт областининг ўнинчи беш йиллиқдаги зафарлари ҳамда келажакка белгилаган катта режалари ҳақида, кўп миллатли Тошкент меҳнаткашларининг КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш йўлидаги фидокорона ишлари ҳақида ҳикоя қилинади.

СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводида ўзбек, рус, қозоқ, яҳудий, тожик, арман, татар ва бошқа ўнлаб миллат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ меҳнат қилишяпти. Улкан коллективнинг фидокорона меҳнати туфайли корхона ишлаб чиқариш қуввати тобора ортиб бормоқда. Суратда: заводнинг пешқадам ишчилари Николай Козлов, Леонид Этингоф, Сергей Беласаров, Шавкат Каримов, Геннадий Блинд, Темур Файзуллаев, Анаши Цатурян, Сергей Титов, Анатолий Киреев, Эскандер Илясов, Георгий Бекировлар.

Ш. Галимов фотоси.

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ 1981 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Тошкент шаҳри ва Тошкент областининг меҳнаткашлари КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилиш юзасидан беш йиллик йиллари учун белгиланган план топшириқларини муваффақиятли бажардилар, давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳамма турларини сотиш борасида ўнинчи беш йиллик план топшириқларини ошириб бажардилар. Капитал қурилишда, транспортда ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида анча катта натижаларга эришилди.

Тошкент шаҳри ва Тошкент областининг меҳнаткашлари ўн биринчи беш йиллик биринчи йили планини бажаришга ўз ҳиссасини қўшишга интилиб, КПССнинг XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирдилар. Шаҳар ва қишлоқлар меҳнаткашларидан 285 мингга яқин киши икки-уч ойлик планини партия съезди очиладиган кунгача бажариш мажбуриятини олди.

Меҳнат коллективлари КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган қоидалар ва хулосаларга, КПСС Марказий Комитетининг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳасида қўйилган вазифаларга амал қилиб, 1981 йилда қуйидаги социалистик мажбуриятларни оладилар.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, илғор тажрибани ва меҳнатни ташкил этиш ҳамда ҳақ тўлашнинг бригада формаларини кенг ёйиш, хўжалик механизмини такомиллаштириш, резервлардан тўлиқ фойдаланиш асосида саноат маҳсулотини реализация қилиш ҳажми ва буюмлардан энг муҳим турларининг кўпчилигини ишлаб чиқариш юзасидан йиллик планни 25 декабрда бажарамиз. Пландан ташқари 80 миллион сўмлик маҳсулотни реализация қиламиз. Планга қўшимча равишда 6 минг тонна пўлат, 2 минг тонна прокат, 60 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқарамиз, 90 минг тонна кўмир қазиб оламиз, 120 та трактор, 50 та пахта териш машинаси, 100 та чигит сеялкаси тайёрлаймиз, 1,6 миллион сўмлик кийим-кечак, бир миллион сўмлик мебель ва халқ истеъмол қиладиган бошқа молларни тайёрлаб берамиз. План ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаймиз, маҳсулотни ўз вақтида ва тўла етказиб беришни таъминлаймиз. Маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига пландан ташқари 10 миллион сўм фойда оламиз.

Саноат корхоналарини техника билан қайта қуроллантириш соҳасидаги ишларни давом эттирамиз. Янги техника соҳасида 5000 дан зиёд ташкилий-техникавий тадбирларни ишлаб чиқиб, жорий этиш билан 35 миллион сўмни тежаймиз. 180 автомат, ярим автомат ва механизациялаштирилган поток линияларни жорий этамиз, рационализаторлик таклифлари ва ихтироларни амалга ошириш йўли билан йилига шартли ҳисобда 60 миллион сўмни тежаймиз. Ана шу тадбирлар ҳисобига меҳнат унумдорлигини ўстириш юзасидан берилган топшириқни 15 процент ошириб бажарамиз, 3500 киши меҳнатининг тежалишини таъминлаймиз.

350 буюмни давлат Сифат белгисини олиш учун аттестациядан ўтказамиз, юқори категориядаги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмини 15 процентгача етказамиз, маҳсулотнинг 750 та янги турини ишлаб чиқаришни ўзлаштирамиз.

Қурилиш ишларини бошқариш ва ташкил этишни такомиллаштириш, капитал маблағларнинг берадиган самарасини ошириш асосида пудратга олинадиган қурилиш-монтаж ишлари йиллик планини 25 декабрда бажарамиз, саноатнинг енгил ва озиқ-овқат тармоқларини ривожлантириш учун ажратиб бериладиган маблағларни илдам суръат билан ўзлаштирамиз. Бригада пудрати методи билан бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини 60 процентгача етказамиз, меҳнат унумдорлигини эришилган даражага нисбатан 3,3 процент оширишни таъминлаймиз.

Қуч ва маблағларни ишга туширилaдиган объектларга тўплаш ҳисобига Ғазалкент ГЭСида 40 минг киловатт қувватли 2 энергоблокни, Олмалиқ химия заводида йилига 450 минг тонна олтингугурт кислотаси тайёрлаб берадиган қувватларни муддатидан илгари ишга туширамиз, битказилмай қолган қурилиш ҳажмини 5 процент камайтирамиз. Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Ўзбекистон металлургия заводи ва Тошкент трактор заводи, Янги Ангрен ГРЭСи, «Ангренский» кўмир разрези объектлари, Тошкент метрополитенининг иккинчи навбати қурилишини тезлаштирамиз. 1 миллион 140 минг квадрат метр ўй-жой қурамиз, планда 1981 йилда ишга тушириш кўзда тутилган мактаблар қурилишини ўқув йили бошланишига қадар ниҳоясига етказамиз. Ўй-жой, мактаб бинолари ва маданий-маиший объектларнинг камида 90 процентини фойдаланишга «яхши» ва «аъло» баҳолар билан топширамиз.

Қишлоқ хўжалиги барча тармоқларининг самарадорлигини оширишга интилиб, ҳар гектар ердан 33 центнердан пахта етиштирамиз, ҳосилнинг 85 процентини машиналар билан териб оламиз ва областда 435 минг тонна пахта тайёрлаймиз. Давлатга 85 минг тонна дон, 485 минг тонна сабзавот, 85 минг тонна картошка, 60 минг тонна полиз маҳсулотлари, 143 минг тонна мева ва узум, 325 минг тонна каноп пояси сотамиз.

Чорвачиликни янада ривожлантириш ва озуқа базасини мустаҳкамлашга эришамиз, 43 минг тонна гўшт, 150 минг тонна сут, 310 миллион дона тухум тайёрлаймиз. 1900 тонна жун, 2000 тонна пилла етиштириб, давлатга сотамиз.

Халқ хўжалиги ва аҳолининг барча транспорт турларига бўлган эҳтиёжларини ўз вақтида ва тўла қондиришни таъминлаймиз. Юк ва пассажирлар ташиш юзасидан йиллик топшириқларни муддатидан илгари бажарамиз, пландан ташқари 550 минг тонна юк ташишни, пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтиришни таъминлаймиз.

Товар оборoти ва аҳолига маиший хизмат йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз, пландан ташқари 32 миллион сўмлик мол сотамиз. Аҳолига қўшимча равишда 600 минг сўмлик хизмат кўрсатамиз.

Моддий ва энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш соҳасида собиқадамлик билан бажариладиган ишларни давом эттирамиз. Қамида 17 минг тонна қора металлни, 232 миллион киловатт-соат электр энергияни, 271 минг гигакалорий иссиқлик энергиясини, 89 минг тонна қозон — печь ёқилғисини ва 7,7 минг тонна дизель ёнилғисини тежаймиз.

Тошкент шаҳри ва Тошкент областининг меҳнаткашлари КПСС ленинчи Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдирамиз, ўн биринчи беш йиллик биринчи йилининг планларини ва социалистик мажбуриятларни бажариш учун бутун куч-ғайрат ва билимимизни сарф қиламиз, деб ваъда берадилар.

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАР КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА, ОБЛАСТЬ АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА ҚАБУЛ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов 14 январь куни Франция саноат мулки миллий институтининг директори Жорж Вьянесни қабул қилди. Ж. Вьянес патент-лицензия масалалари юзасидан Совет—Франция аралаш ишчи группасининг Тошкентдаги сессиясида қатнашган француз делегациясига бошчилик қилмоқда.

Суҳбатда Ш. Р. Рашидов Ж. Вьянесни экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришда Совет Ўзбекистони эришган муваффақиятлар билан, ижтимоий ишлаб чиқаришни янада ошириш, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини юксалтириш борасидаги катта ишлар билан, «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси республика олдида очадиган кенг истиқболлар билан таништирди.

Ўн биринчи беш йилликда Ўзбекистон халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришда, айниқса халқ учун моллар ишлаб чиқариш соҳасида яна бир катта қадам кўяди. Қишлоқ меҳнаткашлари чиқаришини юксалтириш, пахтанинг ялпи ҳосилини ошириш борасидаги ишларни давом эттиради.

Жорж Вьянес ўзи ва унинг ҳамкасблари Ўзбекистонда шодиёна кутиб олинганликлари учун, Совет—Франция аралаш ишчи группаси сессиясининг иши муваффақиятли ўтишига барча шарт-шароитлар яратиб берилганлиги учун миннатдорчилик билдирди. У сессияда эришилган натижалардан қаноат ҳосил қилганлигини изҳор этди. СССР билан Франция ўртасида фан-техника ва экономика соҳасидаги ҳамкорлик учун патент-лицензия иши ғоят катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Қабул маросимида СССР Ихтиро ва кашфиёт ишлари давлат комитетининг раиси И. С. Наяшков, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси Қ. А. Аҳмедов ҳозир бўлдилар.

[ЎзТАГ].

ҲАЁТИМИЗНИНГ ЁРҚИН ҚИРРАЛАРИ

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ИДЕОЛОГИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДАН

13 январда Оржоникидзе район партия ташкилоти идеология активи йиғилиши бўлди. Унда район корхоналари, хўжалик ва муассаса раҳбарлари ҳамда шаҳар ва район партия комитетларининг идеология масалалари билан шуғулланувчи секретарлари, область ижроия комитети бошқармаларининг бошлиқлари, бўлимларининг мудирлари қатнашдилар.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг «Правда» газетасида эълон қилинган «Раҳбарнинг камтарлиги» суҳбати асосида совет социалистик турмуш тарзини такомиллаштириш юзасидан район партия ташкилотининг вазифалари муҳокама қилинди. Шу масала юзасидан Тошкент область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев доклад қилди.

Партия XXV съездидан сўнг ўтган давр, деб таъкидлади докладчи, муҳим тарихий воқеаларга бой бўлди. Ўтган йиллар партиямиз ва халқимизнинг совет жамияти тараққиётининг XXV съезд томонидан ишлаб чиқилган ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларида, бошқа партия ҳужжатларида ривожлантирилган программасини амалга ошириш учун мақсадга йўналтирилган ҳамда самарали кураши даври бўлди.

Докладчи пойтахт области меҳнаткашларининг ўнинчи беш йиллиқда эришган ютуқлари тўғрисида сўзлаб берди.

Область меҳнаткашларининг партия белгилаган планларни бажариш учун курашига Оржоникидзе райони аҳолиси муносиб ҳисса қўшмоқда. 9 та саноат корхонаси, 57 участка, бригада, цех ва 3 мингдан ортиқ ишчи беш йилликни муддатидан илгари бажариб, ҳозир 1981 йил февраль — март ойлари ҳисобига ишламоқда.

Ўнинчи беш йилликда қурилиш ташкилотлари ҳам чакки ишламадилар. Уларнинг ғайрати билан район меҳнаткашлари 23 минг квадрат метр турар-жой, 1248 ўринли мактаб, 330 ўринли мактабгача болалар муассасаси, бир қатор бошқа социал маданий-маиший объектларга эга бўлдилар.

Колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари фидокорона ишладилар. Давлатга сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари, пилла сотиш бешйиллик планлари бажарилди.

Барча совет кишилари қатори район меҳнаткашлари ҳам Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съездини муносиб кутиб олишга тайёрланмоқдалар, экономика ва маданиятни янада юксалтириш бўйича катта самарали ишлар олиб бормоқдалар, социалистик мусобақада фаол қатнашмоқдалар.

Кўпинча «Совет социалистик турмуш тарзи» тушунчаси нималарни ўз ичига олади деб сўрашади. Бундай савол қўйилиши қонунийдир. Чунки, совет социалистик турмуш тарзи проблемалари мулоҳазалар, илмий баҳс ва музокараларга сабабчи бўлди.

Лекин бу масала ҳозирги кунда алоҳида муҳим ва амалий аҳамият касб этмоқда. Бу тасодифий эмас. Чунки, ҳар бир конкрет жамиятга тааллуқли турмуш тарзи шундай масалаки, унинг теварагида маркса-ленинча идеология билан буржуача идеология ўртасида, Коммунистик ахлоқ билан бизга ёт капиталистик жамият ахлоқи ўртасида кураш кетмоқда.

Кейинги вақтларда совет олимлари ва партия ходимларининг бир қатор қизиқарли китоб ва мақолалари эълон қилинди. Уларда совет социалистик турмуш тарзининг қарор топиши ва ривожланиш қонуниятлари кенг ёритилди. Бу мавзунинг турли жиҳатлари юзасидан қиммати фикрлар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев нутқлари ва мақолаларида, унинг «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» китобларида билдирилган.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг «Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги ва СССРда пролетар интернационализмининг тантанаси», «Социалистик турмуш тарзи ва миллий ўзўзини англаш» каби китоблари ҳамда мақолаларида амалий ишимиз учун кўпгина тавсия ва йўл-йўриқлар топишимиз мумкин. Ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг «Правда» газетасида эълон қилинган «Раҳбарнинг камтарлиги» сарлавҳали суҳбати партия ходимлари, областнинг барча идеология активи томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Узоқ давом этган тарихий тараққиёт натижаси, мамлакатимизда Улуғ Октябрь бошлаб берган социал-иқтисодий ўзгаришлар муайян босқичининг якуни ўлароқ социалистик турмуш тарзи амалда янги-янги сифатлар билан мунтазам бойиб бормоқда, бу ҳислатлар жамиятимизнинг коммунистик қурилишдаги ютуқларини, шакллaнаётган келажак кишисининг юксак маънавий-сиёсий қиёфасини янада ёрқинроқ акс эттирмоқда.

Совет кишилари ғоявий етуклиги, уларнинг юксак гражданлиги меҳнатга коммунистик муносабатида яққол намоён бўлмоқда. Деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати уларда ерга хўжайинлик ҳиссининг конкрет намунаси бўла олади.

Шундай бир мисол эсга тушади. Область меҳнаткашлари учун қийин келган баҳор кунларининг бирида дўл уриб кетган тўқа ораларини юмшатаётган қарияларни учратиб қолдим. «Отахонлар, сизларни далага ким мажбур этди» деб сўрадим. «Офат юз берди, тўзалар ночор қолди...», деди қариялардан бири. Мана шу сўзларнинг ўзиёқ юксак ижтимоий бурч ҳисси, ерга хўжайинлик ҳиссини билдирмайдими?!

Бугунги кунда, биз ўнинчи беш йиллиқдаги ишларимизни якунлаган ва янги марраларни белгилаб олаётган бир пайтда ажойиб пахтакорларимиз, сабзавотчилар ва чорвадорларимизни илиқ сўзлар билан, яна бир бор миннатдорчилик сўзлари билан эсламай ўтолмаймиз.

Бу ютуқлар илғор агротехникани, фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг қўлланиш билан биргаликда белгиланган план ва социалистик мажбуриятларни бажаришни идеологик жиҳатдан таъминлашнинг комплекс тадбирлари амалга оширилганлигининг натижасидир. Бу тадбирлар дала шийпонлари ишини ташкил этиш, маданий-маиший хизмат, оммавий-сиёсий ишларни ўз ичига олади.

Социалистик мусобақа турмуш тарзимизнинг характерли белгиси ҳисобланади. У ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг қудратли воситаси бўлиб қолди.

Кейинги йилларда кўпгина шаҳар ва район партия комитетлари социалистик мусобақани ташкил этар экан, коллективлар ҳамда ишчи-хизматчилар кучғайратини фақат сон кўрсаткичларигина эмас, балки сифат кўрсаткичларига ҳам эътибор беришга сафарбар қилмоқдалар. Кенг омма меҳнатининг сифати социалистик турмуш тарзи билан чамбарчас боғланган-дир. Иш сифати ва унинг самарадорлиги қанчалик юқори бўлса, унинг социалистик турмуш тарзи ҳам шунчалик тез ва тўлароқ қарор топади.

(Давоми 2-бетда).

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1980 йилда чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан ўтказилган социалистик мусобақанинг якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қизил байроқлари қуйидагиларга берилди ва доимий сақлаш учун қолдирилди:

— Тошкент области (область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Мусахонов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Алимов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Рахмонов). Бу область гўшт тайёрлаш йиллик ҳажмини 108,7 процент, сут тайёрлаш йиллик ҳажмини 115,6 процент, тухум тайёрлаш йиллик ҳажмини 111,6 процент, жун тайёрлаш йиллик ҳажмини 124,7 процент бажарган. 1979 йилга нисбатан гўшт тайёрлаш 20 процент, сут тайёрлаш 15 процент, тухум тайёрлаш 20 процент кўпайишини таъминлаган;

(Давоми 2-бетда).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ XX ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Тошкент область XX партия конференцияси 1981 йил 16 январь соат 10 да область партия комитети мажлислар залида очилади. (Ўзбекистон кўчаси, 9).

Делегатлар ва таклиф этилганлар 16 январь соат 8 дан бошлаб шу ерда рўйхатдан ўтказилади.

ПЎЛАТДАН МУСТАҲКАМ,

«ҚУЁШ НУРЛАРИ ЕРНИ ИЛИТГАНИ КАБИ ДУСТЛИК ҲАМ ҚАЛБИМИЗНИ ИЛИТИБ ТУРАДИ. ДУСТЛИК БИЗГА ЯГОНАОИЛА БУЛИБ ЯШАШДЕК АЖОИИБ ҲИС БАҒИШЛАЙДИ, БИЗГА ҚАНОТ БАҒИШЛАЙДИ, КУЧИМИЗГА-КУЧ ҚУШАДИ. ЛЕНИН ПАРТИЯСИ ТАРБИЯЛАГАН СОВЕТ ХАЛҚЛАРИНИНГ ДУСТЛИГИ— ДАВЛАТИМИЗ ҚУДРАТИНИНГ БИТМАС-ТУГАНМАС МАНБАИДИР, ЭРИШАДИГАН ҒАЛАБАЛАРИМИЗНИНГ ГАРОВИДИР».

Ш. РАШИДОВ.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЛЕНИНЧА МИЛЛИЙ СИЁСАТНИНГ ТАНТАНАСИ

ШУ КУНЛАРДА барча совет кишилари каби, серқуёш Ўзбекистонимизнинг барча меҳнаткашлари жонажон партиямизнинг съездолди ҳужжатини — КПСС Марказий Комитетининг XXVI съездга лойиҳасини қизғин муҳокама қилмоқдалар.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларида етук социалистик жамиятимиз иқтисодий ва социал ривожланишининг, халқ фаровонлигини оширишнинг аниқ-равшан программаси ифодаланган.

Лойиҳада таъкидланишича, 80-йилларда Коммунистик партия ўзининг иқтисодий стратегиясини изчил давом эттиради, бу стратегиянинг олий мақсади халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини тинмай юксалтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, меҳнат унумдорлигини кўпайтириш, совет кишиларининг социал ва меҳнат активлигини юксалтириш негизида шахснинг ҳар тарафлама камол топиши учун яхши шароитларни яратиб беришдан иборатдир.

Совет кишилари ўнинчи беш йилликда амалга оширилган ишлар билан ҳақли равишда фахрланмоқдалар. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленумида таъкидлаганидек, ўтган йиллар партия XXIV ва XXV съездларида ишлаб чиққан иқтисодий стратегиянинг тўғрилигини тасдиқлади. Мамлакатимизнинг иқтисодий ва мудофаа потенциали анча ошди. Бутун халқ хўжалигини ривожлантиришда, янги ва муҳим социал вазифаларни ҳал қилишда янги йирик қадам қўйилди.

Ўнинчи беш йиллик улуғвор планларини амалга ошириш учун умумхалқ қураши давомида бепоён мамлакатимиз барча халқларининг коммунизм идеалларига чексиз садоқати, совет ватанпарварлари ва социалистик интернационализми яна бир карра ёрқин намоён бўлди. Бу ажойиб зафарлар партиянинг ленинча миллий сиёсатни изчил амалга оширганлигининг улуғвор натижасидир.

В. И. Ленин асримиз бошидаёқ миллий муносабатлар тўғрисидаги марксча ғояни ижодий равишда ўзлаштириб, уларни янги тарихий даврга тадбиқан конкретлаштирган, интернационализм ва миллий озодлик ҳаракати тўғрисидаги қарашларни мустаҳкам системага солган, миллий масалани империалистик тузумни ағдариб ташлаш ҳамда пролетар революциясининг ғалабаси масаласи билан чамбарчас боғлаб кўрсатган эди. В. И. Ленин миллатлар ва миллий муносабатлар тўғрисидаги изчил таълимотни яратиб, Коммунистик партия миллий сиёсатининг илмий принципларини ишлаб чиқди, миллий масалани амалий ҳал қилишнинг йўл-йўриқларини белгилаб берди.

Миллий масала ҳамда янгича миллий муносабатлар соҳасидаги ленинча программанинг моҳияти миллий зулмни йўқотиш, барча миллатлар, элатлар ва этнографик группалар ўртасидаги ҳамкорлигини уларнинг тўла эркинлигини, миллий ривожланишини, амалдаги тенглигини таъмин этиш асосида барқарор қилишдан иборат эди. Доҳий ёзганидек, ишчилар эски дунёга, миллий зулм, миллий адоват ёки миллий айирмачилик дунёсига барча миллатлар меҳнаткашларининг бирлигидан иборат янги дунёни қарши қўядилар, бунда бирорта ҳам имтиёзга, кишининг киши томонидан оз бўлса ҳам эзилишига ўрин бўлмайди.

Партиямиз коммунистик бунёдкорликнинг ҳар бир янги босқичида реал шарт-шароитни илмий таҳлил этиб, ўзининг миллий сиёсатини амалга ошириш масалаларига конкрет—илмий жиҳатдан ёндошиб келди, бу масалаларни бутун совет халқининг ва алоҳида олинган ҳар бир миллатнинг манфаатларидан келиб чиқиб, ҳал эта борди. Эндиликда гап ҳаётнинг ҳамма соҳаларида миллатларнинг яна ҳам яқинлашиб, улар бирлигининг тинмай мустаҳкамланиб бораётганлиги тўғрисида ҳам бораяпти. Владимир Ильич башорат қилганидек, социализм ривожлана борган сари миллий айирмачиликдан ихтиёрий равишда юқори туришга ўрганган меҳнаткашларнинг онгли ва янада яқин бирлигига ўтиши таъминланади.

Ленинизм миллий программасининг асосий принципларидан бири халқларнинг мустаҳкам хўжалик иттифоқини, улар иқтисоди ва маданиятининг эркин равишда гуллаб яшнашини таъмин этишдан иборатдир. Бизнинг давримизда Советлар мамлакатининг барча миллатлари ва элатлари коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида кўпни кўлга бериб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар, уларнинг ана шундай бирлашган кучғайратлари туфайли СССРда етук социалистик жамият бунёд этилди. Социализм ўзининг негизида ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда янги иқтисодий тузумнинг бунёдкорлик кучлари, социалистик турмуш тарзининг афзалликлари янада тўлароқ намоён бўлмоқда.

Ҳозирги босқичда СССР экономикаси жуда катта халқ хўжалик комплексидан иборат бўлиб, у ягона давлат плани бўйича ривожланмоқда, бунда бутун мамлакатнинг манфаатлари ва ҳар бир алоҳида республиканинг манфаатлари ҳисобга олинмоқда.

Ҳар бир республика экономикасининг юксалиши бутун Иттифоқимиз иқтисодий куч-қудратини янада ошишига, барча миллатлар иқтисодий жиҳатдан бирлигининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади, ҳар бир халқнинг коммунизм моддий-техника базаси қурилишига қўшган ҳиссасига айланади. Ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаганидек, миллий республикалар иқтисодий тараққиёт даражаларини тенглаштириш вазифаси бизда асосан ҳал қилинган ҳозирги вақтда биз иқтисодий масалаларга аввало, бутун давлат манфаатлари нуқтаи назаридан, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг ўзига хос манфаатларини албатта ҳисобга олган ҳолда, СССРнинг бутун халқ хўжалиги самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан ёндошиш имкониятига эгамиз.

Ўнинчи беш йилликда бизнинг республикамиз бутун мамлакат ягона халқ хўжалиги комплексида улкан муваффақиятларга эришди. Хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида ажойиб муваффақиятлар қўлга киритилди. 1976—1980 йилларда республиканинг ялпи маҳсулоти 7,7 миллиард сўмга кўпайди, миллий даромад 29 процент ошиб, қарийб 16 миллиард сўмни ташкил этди. Иқтимоий истеъмол фондлари 36,8 процент ўсиб, беш йиллик охирида қарийб 5 миллиард сўмни ташкил қилди. Аҳоли жон бошига реал даромадлар 17 процент кўпайди.

Дастлабки статистик маълумотлар шундан далолат бериб турибдики, 1980 йил плани ва умуман беш йиллик топшириқлари энг муҳим кўрсаткичлар бўйича ошириб бажарилди.

Республикамиз «оқ олтин» етиштиришда мисли кўрилмаган зафарни қўлга киритганлиги — 6 миллионлик чўққи забт этилганлиги мамлакатимиздаги барча халқларни чексиз қувонтирди. Чиндан ҳам 1980 йилда давлатга мисли кўрилмаган миқдорда — 6 миллион 230 минг тонна пахта сотилди. Уларнинг 356 минг тоннаси қимматбаҳо ингичка толали пахта бўлди. Беш йиллик давомида эса республикамиз Ватанга 28,5 миллион тонна пахта армуғон этди. Ўзбекистон, ғаллакорлари, сабзавоткорлари, боғбонлари, соҳибкорлари, пиллакорлари ҳам катта муваффақиятларга эришдилар. Шу катта муваффақиятлар учун Ўзбекистон ССР учинчи марта Ленин ордени билан мукофотланди.

Ҳар бир республиканинг экономикаси бутун мамлакат экономикасининг таркибий қисмидир, унинг қарийб ҳамма соҳаларини ривожлантиришда барча миллатлар ва элатлар фаол иштироқ этмоқдалар. Шу боисдан ҳам ҳар бир республиканинг иқтисодий тараққиёт соҳасида қўлга киритаётган ютуқлари шу республикада яшаб турган аҳоли фаолиятининг натижасигина эмас, балки барча мамлакат халқлари ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдамининг ҳам натижасидир. Ўзбекистон меҳнаткашлари ўнинчи беш йиллик якунларига ана шундай муносиб баҳо бермоқдалар.

Ривожланган социализм даврида маданий ривожланиш миллий муносабатлар соҳасига тобора кўпроқ таъсир ўтказмоқда. «Совет маданияти» деган тушунчанинг ўзи ривожланган социализм шароитида СССРда яшаб, меҳнат қилаётган, моддий ва маънавий бойликлар яратаётган барча халқлар маданий ютуқларининг бир-бири билан органик равишда қўшилиб кетганлигини ҳам ифодаламоқда. Совет социалистик маданияти ҳар бир миллий маданият яратган чинакам неъматларни ўз ичига олади, маънавий ҳаётни интернационаллаштириш жараёнини чуқурлаштиради.

Социалистик миллатлар социал-иқтисодий бирлигининг мустаҳкамланаётганлиги, халқларнинг ўтмишдаги маданий қолоқлиги бартараф этилганлиги, уларнинг маданий жиҳатдан ҳар тарафлама камол топаётганлиги миллий маданиятларни янада яқинлаштиришнинг мустаҳкам негизи бўлмоқда.

Ленинча миллий сиёсат ижтимоий тараққиётимизнинг энг муҳим омилидир. Бу омил мамлакатимиз миқёсидагина эмас, балки бутун социалистик ҳамдўстлик миқёсида ҳам ўзининг кучли таъсирини ўтказмоқда. Социалистик интернационализм қардошларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам принципи ана шу мамлакатлар халқлари учун қонун бўлиб қолди.

Жумладан, Ўзбекистон партия ташкилотлари халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, уларнинг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Бошқа қардош совет республикалари қатори, Ўзбекистон ҳам социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан яқин иқтисодий ва маданий ҳамкорлик ўрнатган, у йил сайин кенгайиб, чуқурлашиб бормоқда.

Мана, бир неча йиллардан бери Андижон ва Тошкент область партия ташкилотлари Болгария Коммунистик партиясининг Ямбол ва Хасково округ комитетлари билан дўстона алоқаларни ривожлантириб келмоқдалар. Улар социалистик ва коммунистик қурилиш тажрибаси билан, партиявий-сиёсий ҳамда ташкилий фаолиятда орттирилган тажриба билан ўртоқлашмоқдалар, иқтисодий ва маданий соҳаларда ҳамкорлик қилмоқдалар.

Ўзбекистон ва Болгария халқ хўжалиги турли соҳаларининг меҳнаткашлари ўртасидаги дўстлик муносабатлари тобора мустаҳкамланмоқда.

Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатнинг буюк принципларига амал қилиб, социалистик миллатлар ва элатларнинг янада ривожланиши, уларнинг бир-бири билан янада яқинлашуви учун ҳамма шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Ленинча миллий сиёсат мамлакатимиз халқлари дўстлиги ва қардошлигини, партия билан халқ бузилмас бирлигини мустаҳкамлашнинг, Ленин байроғи, коммунизм байроғи остида барча совет миллатлари ва элатлари маънавий жипслигини мустаҳкамлашнинг энг муҳим омилларидан бири бўлиб, коммунизм нурли чўққиларини забт этишнинг мустаҳкам гаровидир.

Р. Х. АМИНОВА,
ЎзССР Фанлар академияси мухбир аъзоси, профессор, Беруний номидаги республика мукофотининг лауреати.

● **СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ** қардош республикалар оиласида ўнинчи беш йиллик йилларида хўжалик ва маданий қурилишнинг барча йўналишларида олға қараб катта қадам қўйди. 1976—1980 йиллар мобайнида Ўзбекистон ССРнинг ҳамма ижтимоий маҳсулоти 7,7 миллиард сўмга кўпайди.

● **РЕСПУБЛИКАМИЗДА** ўтган беш йил мобайнида миллий даромад 29 процент ортиб, 3,6 миллиард сўмлик кўпайди.

● **ИЖТИМОИЙ** истеъмол фондлари 1976—1980 йилларда 36,8 процент кўпайиб, қарийб 5 миллиард сўмликни ташкил қилди. Аҳоли жон бошига даромадлар эса пландаги 13,6 процент ўрнига 17 процент кўпайди.

● **ЎзССРда** ўтган беш йилликда саноат ишлаб чиқаришнинг ҳажми тахминан 874 миллион сўмлик кўпайди.

● **ЎНИНЧИ** беш йилликда ўлкамизда жуда кенг миқёсда капитал қурилиш ишлари амалга оширилди. Йирик корхоналарнинг 290 филиали, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида, Бекободдаги Ўзбекистон металлургия заводида, Олмалиқ ва химия заводларида янги-янги қувватлар ишга туширилди. бунда барча қардош республикалар вакиллари фаол қатнашди.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

● **ЕНГИЛ** ва озиқ-овқат саноати корхоналарини қуришга алоҳида эътибор берилди. Андижонда ип-газлама комбинати, Наманганда аврли газламалар комбинати, Марғилонда атлас бирлашмаси, Гулистонда ёғ-экстракция заводининг янги цехлари ва бўлинмалари аҳоли истеъмоли учун янги хил маҳсулотлар тайёрлаб чиқара бошлади.

● **ХАЛҚ** хўжалигининг энг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган электр энергетика тобора ривожланиб бормоқда. Жумладан, ўтган беш йилликда Сирдарё ГРЭСининг 9- ва Навоий ГРЭСининг 11-блоки барвақт ишга туширилди, Ғазалкент ГЭСида янги қувватлар юзага келтирилди.

● **СЕРҚУЁШ** Ўзбекистонимиз бутун мамлакатнинг асосий пахта етиштирувчи республикаси сифатидаги мавқеини янада мустаҳкамлади. Кейинги беш йил мобайнида республикамизда 28,5 миллион тонна «оқ олтин» етиштирилди. Бу тўққизинчи беш йилликдагита қараганда 4 миллион тонна ортиқдир.

● **ЎТГАН** йили олти миллион тонналик чўққи эгалланди. Давлат тайёрлов пунктларига 6 миллион 230 минг тонна пахта, шу жумладан 356 минг тонна энг қимматли ингичка толали пахта етказиб берилди. Ўзбекистон ўз интернационал бурчини ана шундай шараф билан бажармоқда.

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг машинасозлари КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасидан руҳланиб янада самарали меҳнат қилмоқдалар. Бирлашма ишчилари баҳорги экиш кампанияси бошлангунга қадар пландан ташқари кўплаб қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқаришга қарор қилдилар. Бир қатор илғор лар съезд арафасида шахсий квартал топшириқларини ба жарадилар. 5-цехнинг йиғувчи слесарлари ҳозирнинг ўзи даёқ март-апрель ойи ҳисобига маҳсулот топширишяпти. Суратда: 5-цех ишчиларидан А. Каримов, Р. Маматов ва Р. Галиевларни кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

(Бошы 1-бетда).

Шунингдек, Қизил байроқлар Самарқанд областига, Бухоро областининг Ромитон райони, Тошкент областининг Калинин райони (район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Р. Қ. Қамбаров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Раҳимов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ҳайдаров). Бу район юксак ўсишни таъминлаган ва гўшт тайёрлаш йиллик ҳажмини 149 процент, сут тайёрлаш йиллик ҳажмини 111 процент, жун тайёрлаш йиллик ҳажмини 151 процент бажарган. Байроқ Қашқадарё областининг Чироқчи районидан олиб берилди.

Шунингдек Қизил байроқлар Сирдарё областининг Комсомол райони, Хоразм область Хазораси районидаги Жданов номли колхоз, Наманган область Задарё районидаги Навоий номли колхоз, Фарғона область Қува районидаги Охунбобоев номли колхоз, Қорақалпоғистон АССР Беруний районидаги Беруний номли совхоз, Жиззах область Жиззах районидаги Энгельс номли совхоз, Бухоро паррандачилик фабрикаси, Сурхондарё областининг «Узплодоовошвинпром» бирлашмасига қарашли «Сахарний тростник» совхози, Қашқадарё область Қарши районидаги «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли «Октябрь 60 йиллиги» совхози, Ўзбекистон ССР балиқ хўжалиги Давлат комитетига қарашли Самарқанд балиқ комбинати, Андижон область Қўрғонтепа район матлубот союзининг бўрдоқичилик хўжаликларига ҳам топширилди.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети 1981 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирлар комплексини бажаришда Коммунистик, Оққўрғон, Паркент ва Калинин районларида яхши ишлар қилинаётганлиги қайд этилди.

Орконикидзе, Бўстонлиқ, Чиноз ва Пискент районларида 1981 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирлар комплексини бажаришда сусткашликка йўл қўйилаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Ўрта Чирчиқ ва Оҳангарон районларига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Ўрта Чирчиқ районига (район партия комитетининг секретари М. Э. Эгамбердиев, район ижроия комитети раиси Т. Мирёқубов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси А. Ҳайдаров, район комсомол комитетининг секретари А. Ҳикматов ўртоқлар). Бу район меҳнаткашлари 1981 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирлар комплексини бажаришда юқори суръатга эришиб, кузги сабзавот турларини экиш топширигини 100 процент, органик ўғит жамғариш топширигини 109 процент, насос-куч агрегатларини ремонт қилиш топширигини 59 процент, яхоб суви бериш топширигини 60 процент, суғориш тармоқларини тозалаш топширигини 85 процент, ҳамма маркадаги тракторларни ремонт қилиш топширигини 100 процент, сунъий сут тайёрлаш топширигини 117 процент бажардилар.

Байроқ Янгийўл районидан олиб берилади.

Сабзавотчиликка ихтисослаштирилган Оҳангарон районига (район партия комитетининг секретари К. Икромов, район ижроия комитети раиси А. Қ. Қосимов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси М. Давронов, район комсомол комитетининг секретари М. Бобохўжаев ўртоқлар). Бу район меҳнаткашлари 1981 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирлар комплексини бажаришда юқсак суръатга эришиб, органик ўғит жамғариш топширигини 104 процент, карам кўчатларини пикировка қилиш топширигини 82 процент, насос-куч агрегатларини ремонт қилиш топширигини 72 процент, суғориш тармоқларини тозалаш топширигини 91 процент, яхоб суви бериш топширигини 100 процент, ҳамма маркадаги тракторларни ремонт қилиш топширигини 70 процент, эгат олиш топширигини 100 процент, сунъий сут тайёрлаш топширигини 102 процент бажардилар.

Байроқ Паркент районидан олиб берилади.

1981 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирлар комплексини бажаришда Коммунистик, Оққўрғон, Паркент ва Калинин районларида яхши ишлар қилинаётганлиги қайд этилди.

Орконикидзе, Бўстонлиқ, Чиноз ва Пискент районларида 1981 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирлар комплексини бажаришда сусткашликка йўл қўйилаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун «Ташоблмелиоводстрой» қурилиш бошқармасининг 3-механизациялашган кўчма колоннасига ва «Узспецводмеханизация» трестининг 1-механизациялашган кўчма колоннасига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

союзлари Совети ва область комсомол комитети янги ерларни ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалик оборотига киритиш, суғориладиган ерларни капитал текислаш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш, асосий ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва ишга туширишга ҳамда область қурилиш ва сув хўжаликлари ташкилотлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1980 йил декабрь ойи якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

«Ташоблмелиоводстрой» қурилиш бошқармасининг 3-механизациялашган кўчма колоннасига (бошлиғи Б. Дўстматов, партия ташкилоти секретари Ю. Исматов, касаба союзлари қурилиш комитети раиси А. Назиркулов, комсомол ташкилоти секретари У. Эшонқулов ўртоқлар). Бу колонна қурувчилари декабрь ойида бош пудрат ишлари планини 169 процент, ўз кучлари билан эса 155 процент, объектларни ва тугалланган босқичларни фойдаланишга топшириш планини 140 процент ва меҳнат унумдорлиги планини 100,4 процент бажардилар.

«Узспецводмеханизация» трестининг 1-механизациялашган кўчма колоннасига (бошлиғи К. Кусанов, партия ташкилоти секретари П. Сидиқов, касаба союзи қурилиш комитети раиси Ф. Холиқов, комсомол ташкилоти секретари А. Ҳаитов ўртоқлар). Бу колонна қурувчилари декабрь ойида бош пудрат ишлари планини 139,1 процент, ўз кучлари билан эса 111 процент, объектларни ва тугалланган босқичларни фойдаланишга топшириш планини 134 процент, меҳнат унумдорлиги планини 106,3 процент бажардилар.

«Ташкентводстрой» трестининг Тошкент сув омбори қурилиш-монтаж бошқармаси ҳамда «Паркентводстрой» трестининг 3-механизациялашган кўчма колоннаси коллективларининг яхши ишлаётганликлари қайд этилди.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун «Ташоблмелиоводстрой» қурилиш бошқармасининг 3-механизациялашган кўчма колоннасига ва «Узспецводмеханизация» трестининг 1-механизациялашган кўчма колоннасига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

ҲАЁТИМИЗНИНГ ЁРҚИН ҚИРРАЛАРИ

(Бошы 1-бетда).

Меҳнаткашларимизнинг ишга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатида иштироки гражданликнинг юксак мезонига айланди. Ишга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатида 608 мингдан ортиқ киши қатнашмоқда. Улардан 266 мингдан ортиғи бу фахрли номни қўлга киритган. Мамнуният билан шуни қайд этиш керакки, Орконикидзе райони меҳнаткашлари ҳам социалистик мусобақанинг бу олий формасида актив қатнашмоқдалар.

Районда мусобақанинг турли формаларига 35 мингдан ортиқ киши жалб қилинган. Меҳнат коллективларида қимматли ташаббус ва починлар кенг қўллаб-қувватланмоқда. Партия ташкилотлари мусобақанинг ошкоралигини таъминлаш учун катта ишлар қилмоқдалар. Районда 25 та коммунистик меҳнат мактаби ташкил этилган. Уларда 567 киши ўқимоқда. Ёш сут соғувчилар учун Анастасия Чуднаянинг илғор тажриба мактаби ташкил этилган.

Социалистик мусобақа қатнашчилари моддий ва маънавий рағбатлантириб турилибди. Мусобақа қатнашчиларини рағбатлантириш учун ўтган йилнинг ўзида 57 минг сўмдан ортиқ пул ажратилди, 5 мингга яқин киши дам олиш уйлари, санаторийларга имтиёзли йўлланмалар олдилар, туристик сафарларга чиқдилар.

Буларнинг ҳаммасини биз ҳозирги кунда одатдаги воқеа сифатида қабул қиламиз. Зотан, меҳнат маънавий бойликлар мезони бўлиб қолган жамиятимизда меҳнат кишисига умумхалқ ҳурматини сезиш мумкин. Улар юксак мукофотлар билан тақдирланмоқдалар, ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлмоқдалар. Ўнинчи беш йиллик давомида областда тўққиз киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлди, 157 киши Ленин ордени билан, 11775 киши орден ва медаллар билан мукофотланди. Ишлаб чиқариш илғорларининг катта группаси ўтган қишлоқ хўжалиги йили ва умуман беш йиллик якунлари бўйича юксак ҳукумат мукофотларига тақдим қилинди.

«Мусобақани кенг қулоч ёйдирайлик!». Ана шу шиор остида ҳозир область ишчилари, колхозчилари, зиёлилари меҳнат қилмоқдалар. Меҳнат коллективларининг йиғилишларида 1981 йил учун социалистик мажбуриятлар қабул қилинмоқда, социалистик шартномалар тузилмоқда.

«Правда» газетасида эълон қилинган «Раҳбарнинг камтарлиги» суҳбатида ўртоқ Ш. Р. Рашидов бизнинг план ва мажбуриятларимиз иқтисодий жиҳатдан асосланган бўлиши керак, деб таъкидлади. Халқларда ўхшаш мақоллар кўп, —деди у, — ўзбекларда «дарахт меваси билан, инсон иши билан қадрли» деган мақол бор. Ваъдабозларга караб тенглашиш бўлмаган ва бўлмайди ҳам.

Иккинчи томондан, пасайтирилган социалистик мажбуриятлар қабул қилинишига, «запасга» резервлар олиб қўйишга қарши кескин курашиш керак.

Мусобақалашиш — баҳслашиш демакдир. Буни эса дўстона, ўзаро ҳамкорликдан ажратиб бўлмайди. Шунинг учун меҳнат коллективларида бундан буён ҳам мураббийлик ҳаракатини ривожлантириш зарур.

Социалистик турмуш тарзини қарор топтириш ва ривожлантириш мақсадида иқтисодий, социал ва тарбиявий вазифаларни комплекс ҳал этиш, деб давом этди докладчи, партия ташкилотлари олдига бир қатор муаммоларни қўяди. Ўлардан бири меҳнат коллективи аъзоларини ғоявий-сиёсий тарбиялашда раҳбарнинг ролини ошириш масаласидир. Биз коллективларнинг ҳамма раҳбарларини ўз қарорларининг тарбиявий оқибатларини олдиндан кўриш ва ҳисобга олишга ўргатишимиз керак. Бу катта ва муҳим ишда биз учун В. И. Ленининг иш услуби битмас-туганмас манба бўлиб хизмат қилади. Октябрь революциясининг доҳийси, партиямиз ва давлатимиз бунёдкори назариядагина эмас, шу билан бирга ўзининг амалий фаолиятида ҳам раҳбарликнинг ажойиб партиявий услуби ва методлари намуналарини кўрсатган эди. «Ленин — барчамиз учун академиядир, деб таъкидлади ўртоқ Ш. Р. Рашидов «Правда» мухбирлари билан қилган суҳбатида. — Ҳамма нарсада — идеологияда, сиёсатда, экономикада, иш услубида академиядир».

В. И. Ленин социалистик типдаги ҳақиқий раҳбар ҳислатларини бир неча бор кўрсатган эди. Бундай раҳбарда юксак ақл ва амалий омилкорлик, социализмга садоқат катта коллективнинг мустаҳкам ва аҳил ишини йўлга қўйиш билан уйғунлашган бўлиши лозим.

Области ишлаб чиқариш ва ташкилотчилик вазифаларини тарбиявий иш билан моҳирона боғлаб олиб борадиган раҳбарлар оз эмас. Улар орасида В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Виктор Николаевич Сивец, Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозининг раиси: Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Хван Ман Гим, Р. Р. Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маҳмуд Мирзаев ва бошқа кишилар бор.

ВАСХНИЛ мухбир аъзоси, Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти директори Шавкат Акмалхонов, Тошкент область автопарки директори Петр Прохорович Жабин, Бўстонлиқ паррандачилик фабрикасининг директори Марс Шайхутдинович Валишин, «Октябрь» колхози раиси Носир Маҳкамов каби раҳбарлар ва коллективларнинг тарбиячилари Орконикидзе райони меҳнаткашлари ўртасида ҳақли равишда ҳурмат қозонганлар.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, ҳар бир раҳбар партия ғояларини амалга оширувчи, одамларга чуқур таъсир ўтказувчи, уларнинг эҳтиёж ва кайфиятларини мунтазам ўрганиб борувчи одам бўлиши керак.

ОЛТИНДАН ҚИММАТ

СЪЕЗДДАН-СЪЕЗДГАЧА

ЮТУҚЛАРИМИЗ МАНБАИ

Қуш қаноти билан, инсон дўстлик билан тирик, дейди халқимиз. Самимий дўстлик гранитдек мустаҳкам, булоқ сувидек мусаффо, қуёшдек ҳароратли бўлади. Мустаҳкам дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик туфайли совет кишилари коммунистик қурилишда улкан вазифаларни муваффақиятли адо этмоқдалар.

Буни бизнинг район мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Районимизда ўзбек ва рус, қозоқ ва корейс, украин ва татар, қирғиз ва тожик каби 17 миллат ва элат вакиллари қўлни-қўлга бериб, ягона мақсад йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Районимиз меҳнаткашлари КПСС XXV съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорларини амалга ошира бориб, қувончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Саноат корхоналарининг коллективлари ўнинчи беш йилликни муваффақиятли якунлаб, пландан ташқари 6 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулотни реализация қилдилар. Беш йиллик мобайнида саноат корхоналарида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 13 процент, маҳсулотни реализация қилиш эса 11 процент кўпайди.

Жонажон партиямизнинг аграр сиёсатини сабот билан амалга ошираётган районимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳам катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Районимиз бўйича ўтган йили давлатга 30769 тонна пахта сотилди. Ҳар гектар ердан 38,8 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Политотдел» колхози гектаридан 44 центнердан пахта йиғиштириб олиб, ҳосилдорлик бўйича районда карвонбоши бўлди.

Умуман қўй миллатли «Политотдел» колхози меҳнаткашлари совет кишиларининг қардошлик оиласида зўр ғайрат билан меҳнат қилиб, юксак ватанпарварлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Беш йилликда политотделликлар давлатга 41180 тонна, планда белгиланганидан 5662 тонна кўп «оқ олтин» топширишди. Давлатга каноп пояси, дон, мева, гўшт, сут, тухум, пилла сотиш план ва мажбуриятлари ҳам ошириб ado этилди. Ўтган йили колхозда ҳар гектар майдондан 246 центнердан каноп пояси, 80 центнердан гибрид маккажўхори уруғлиги, 996 центнердан маккажўхори кўкпояси, 220 центнердан беда пичани йиғиштириб олинди. Ҳар бош сигирдан 4750 килограммдан ошириб сут соғиб олинди.

Ўтган йили районимиз лубкорлари мисли кўрилмаган меҳнат ғалабасига эришдилар. Давлатга район тарихида биринчи марта пландаги 114 минг 800 тонна ўрнига 126 минг тонна юқори сортли каноп пояси топширилиб, ошириллган социалистик мажбурият ҳам муваффақиятли бажарилди. Умуман, ўнинчи беш йилликда районимиз пландан ташқари 14,5 минг тонна пахта, 49 минг тоннадан кўпроқ каноп пояси, 17,6 минг тонна дон ва бошқа хил ноз-неъматлар етказиб берди.

Ўтган йили июнь ойининг ўрталарида ёққан дўл Свердлов номли, «Правда», «Ўзбекистон» колхозлари ерларидаги ғўзаларни жиддий шикастлади. Табиий офат оқибатларини тугатишда районимиз меҳнаткашлари ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик ўзининг куч-қудратини яна бир бор намойиш этди. Қўшни хўжаликлардаги ўнлаб бригадалар ўзларининг илгари қабул қилган социалистик мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб, ҳосилдорликни яна уч-беш центнерга кўтариш ташаббусини бошлаб бердилар.

Районимиз чорвадорлари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкент область чорвадорларига йўллаган мактубига, Ўзбекистон Компартияси XIX пленуми қарорларига жавобан гўшт, сут, тухум етиштиришни ва давлатга топширишни кўпайтириш йўлида ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Ўнлаб сут соғувчилар ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили учун қабул қилган шахсий социалистик мажбуриятларини ошириб бажардилар. «Политотдел» колхозидан Надия Вафина, Анна Квасова, Елизавета Брагина, «Ленинский путь» колхозидан Надежда Волосатова, Валентина Ермолаева, «Правда» колхозидан Людмила Амо, Свердлов номли колхозидан Мария Ким ва бошқа илғорлар ҳар бош сигирдан 4500—5300 килограммдан сут соғиб олдилар. «Правда» колхозининг сут соғувчиси Екатерина Пак район бўйича энг юқори кўрсаткичга эришди. У мажбуриятидаги 5200 килограмм ўрнига 5620 килограммдан сут соғиб олди.

«Ўзбекистон» колхозидан Губей Аширбоев, «Ленинский путь» колхозидан Эргаш Ортиқбоев, Свердлов номли колхоздан Исроил Ҳасанов, Сиримбой Мирзаалиев каби чўпонлар қўйчиликни ривожлантириш йўлида куч-ғайратларини аямай ишламоқдалар. Улар ўтган йили ҳар юз бош совлиқдан 120—130 тадан қўзи олишга эришган эдилар. Илғор чўпонлар бу йил янада юксак марраларни кўзламоқдалар.

Шу кунларда чорвадорларнинг бутун диққат-эътибори чорва қишловини муваффақиятли ўтказишга қаратилган. Шу мақсадда ферма ва отарларда ем-хашакдан тежаб-тергаб фойдаланилаяпти. Чорвадорлар тўғрисида ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиляпти.

Район бошланғич партия ташкилотлари меҳнаткашларни интернационализм ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда мавжуд имконият ва воситалардан самарали фойдаланмоқдалар. Ўтган йили Улуғ Ватан урушида қаҳрамонларча ҳалок бўлган кишилар хотирасига ўрнатиладиган ёдгорлик учун тош қўйилди. Ҳозирги вақтда районимиздаги 30 дан ортиқ клуб, 36 та кутубхона, 11 та халқ университети фаолияти кишилар ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга қаратилмоқда. Бугунги кунда районимизда иккита халқ ансамбли, 115 та бадиий ҳаваскорлик тўгараги ишлаб турипти. 1980 йилда «Политотдел» колхозининг «Чеҳчун» («Ёшлик») халқ ансамбли Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофотининг лауреати деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Районимиздаги маданий-оқартув муассасалари, физкультура ва спорт ташкилотлари, «Билим» жамияти хўжаликлар партия ташкилотлари билан ҳамкорликда меҳнаткашларни социалистик интернационализм, ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда кўпгина ибратли тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Меҳнаткашлар ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда социалистик мусобақа катта роль ўйнамоқда. Район партия комитети социалистик мусобақанинг ошкоралиги ва таъсирчанлигини оширишга алоҳида эътибор беряпти. Мусобақа шартлари эълон қилиниб, ўз вақтида якунлаб борилмоқда.

Ўтган йили кўпгина меҳнат коллективлари, деҳқонлар ва чорвадорлар КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезднни муносиб кутиб олиш юзасидан қимматли ташаббус билан чиқдилар. Уларнинг ватанпарварлик ҳаракати районимиз ва шаҳрининг ҳаётида ўчмас из қолдирди. Ҳозирги кунда ҳар бир ишлаб чиқариш бирлашмасида, корхонада, ташкилотда, ўқув юртларида, ҳаётимизнинг барча соҳаларида ҳаракатчан, ташаббускор, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик руҳидаги, ҳаётсевар, ишчанлик ва ҳалоллик, ҳаёлий ва ҳаётий, ҳаётбахш ва ҳаётий ишлар, ҳаракатлар, ишлар ва ишлаётган ишлар, ишлаётган ишлар, ишлаётган ишлар,

ДЎСТЛИК МУШОИРАСИ

Совет адабиёти ва санъатининг юксалишида ҳар бир халқнинг истеъдодли ижодкорлари ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшмоқдалар. Суратда: таниқли шоир ва ёзувчилар (чапдан) Қайсин Қулиев, Шукрулло, К. Яшин, Л. Қаюмов, Мирза Иброҳимов ва кинорежиссёр Ш. Аббосов ижодий мунозара пайтида.

С. Маҳкамов фотоси.

Т. ЖУМАМУРОТОВ

ҚУЁШИМИЗ

Ҳар томонга нилин бурмайди компас,
Океан кезсанг ҳам адаштирмайди.
Соат билан аён вақту, ҳар нафас,
Календарь кун билан ойсиз бўлмайди.
Қуёшнинг ҳаётбахш, оташ тафти бор,
Баҳра олур ундан гнёх, жонивор.
Бу мисолга дўстлар айланг эътибор,
Ҳар нарсанинг замирида маъно бор.
Даф айлаб жангларда золим, ёвларни,
Нурли йўлдан бошлаб бизни доимо,
Босиб ўтиб қанча тўсиқ, ғовларни,
Буюк Ленин бўлди бизга раҳнамо.
Зулматда яшаган инсон толеин
Ленин йўли этди мангу мунаввар.
Доҳий келтирган нур, бахт қуёшидан
Йўлларин чароғон айлади башар.
Учганда жонажон элдан ракета,
Кўргандайин бўлдик Ленин отани.
Ленин йўли бахт келтириб элларга,
Куч-қудратга тўлди Совет Ватани.
Доҳий байроғи бор қутб-муз тоғида,
Қучди уни йўлдош, космос қучоғи.
Башар қанча фахрланса арзийди,
Ойда яшнар бугун Ленин байроғи.
Ўқиганда ҳар дам Ленин сўзларин,
Илҳом олиб, куйлаганман дил сўзим,
Ленин кўрсатган йўл, васиятлари
Кезар қуёш каби порлаб ер юзин.
Ленин қуёшимиз дейди одамзод,
Улуғ ҳурмат билан этар доим ёд.
Қайда зафар бўлса, у ерда Ленин,
Қуёш нури билан мангу барҳаёт.

Қорақалпоқчадан таржима.

Зоя ТУМАНОВА

ҚОНДОШЛИК

Қондош ака-ука эмасмиз асло,
Тилингда ўзга бир тароват, бойлик.
Ўзгачадир тўнинг бичими ҳатто,
Таним қораймаган офтобдан ҳам лек.
Узоқ-узоқдадир сен ўсган тупроқ,
Сен чигит экасан, мен эса буғдой.
Ака-ука қилди бизларни бироқ
Улуғ қурашдаги мақсад ва чирой.
Сўниқ юракларга солди аланга
Улуғ Октябрнинг ҳаётбахш кучи.
Бобом Псков учун кирганда жангга,
Бобонг қурашарди Бухоро учун.
Биз учун ёруғ шу осмонда фақат
Танҳо Кремлнинг ўчмас юлдузи.
...Шундан эшелонда йўл олдим,
офат —
Буғдойзор ернинг кирганда тўзиб.
Бу юрт чинорлари, райҳонлари ҳам
Жангга кирди қайин билан ёнма-ён,
Пахтазорлар жангга кирдилар ўктам,
Бўлиқ буғдойзорлар ёнгани замон.
Бу ерда бўзларди аскар онаси,
Биз-чи, етим бўлиб ўсдик, кўкардик.
Сен қурдинг Братскда нур
кошонасин,
Биз Газли чўлида олов ахтардик.
Қанча дарёларда тўғон қурдик биз,
Сахроҳи баҳорга буркамоқ учун.
Қондош бўлдик бизлар! Гўё беш
юлдуз
Ёқут қиррасидек ўткир ва метин.
Бизни бирлаштирди замон қудрати,
Тарих синовида чиникди тақдир.
Дунёда тенгсиздир унинг шиддати,
Буюк қурашларда тобланди, ахир!

Русчадан таржима.

ШУКРУЛЛО

ИЛҲОМ ВОДИЙСИ

(БАДИҲА)

Дўстим, сайр қилмоқни истаса
кўнгил,
Изласа чаманлар ичра оромгоҳ
Шу гўзаллик аро танти, хуш феъл
Улфатлар суҳбатин қўмсаса ногоҳ
Отингни қамчила, Фарғонага юр.
Шу ерда тантилик, шу ерда ҳузур.
Сени қутиб олар атрофда тоғлар
Худди давра олган улфатларсимон,
Ўрталикда яшнаб ётади боғлар,
Водий неъмат тўла ёзиқ дастурхон.
Бу ернинг жамоли, табиати ҳам,
Ўзин соҳибининг феълига боқам.
Гўзаллик тимсолин яратмоқ бўлиб,
Дўстим, санъатинигга излар бўлсанг
ранг,
Атлас кўйлакдаги қизларни кўриб
Қуёшга боққандек тангиб қолмасанг,
Турфа гул сингари юзларига боқ,
Нур тўла ўйноқи кўзларига боқ.
Шеъринигга изласанг янги қофия,
Ё дурдек ёнувчи, ўлмовчи фикр.
Чинорлар тагида бўлган аския,
Кекса пахтакорлар суҳбатига кир.
Илҳому ижоднинг маскани шу ер.
Битмас хазинаси ҳам кони шу ер.
Баъзан эсноқ келиб, босганда мудроқ,
Бир ишга қилмасанг агар ҳафсала...
Саратон офтоби тикка келган чоқ,
Тандирдек ловуллаб ёнганда дала,
Униқиб, тер тўккан пахтакорга боқ,
Ғайрат нелигини англайсан шу чоқ!
Дўстим, оғирингни енгил қилар у,
Чигил жумбоқларнинг ечар тугунин,
Неларни истамас кўнгил деган бу,
Аритар дилингнинг ғубор-тугунин.
Шундай бир диёрга шеър
битмайинми,
Дала бургутларин мадҳ этмайинми!
Самарқанд чиройи, қадим Бухоро,
Хоразм файзига йўқдир эътироз,
Бепоён пахтазор, бу чаман аро,
Фарғона гўёки гултожихўроз
Қофияси келиб айтган сўзим бу,
Юксак таҳсинларга лойиқ эрур у.

ЮСУФ БОЛАТ

БИЗ—СОВЕТ ХАЛҚИМИЗ

ДЎСТЛИК мавзуида ёзишни хуш кўраман... Ҳозирги замонда миллат ва элатларнинг моддий ва маънавий маданиятининг бир-бирига яқинлашиш жараёни борган сари чуқурлашиб бормоқда. Бу — бизнинг совет турмуш тарзи юзага келтираётган объектив ижтимоий ҳодисадир. Чунки биз эндиликда бир бутун совет халқимиз!

Биз, катта авлод вакиллари, бу ҳолни кўриб қувонамиз. Бу фақат ишлаб чиқариш билан боғлиқ кишиларнинг қувончи бўлибгина қолмай, балки маънавий маданият яратувчиларга ҳам бутунлай хосдир. Шахсан менинг илк ҳикоя ва драматик асарларимдан тортиб, бутун ижодимдаги етакчи мавзу — халқлар дўстлигидир. Бу асарлар орасида Ўзбекистон нефтчилари ҳаётини ҳикоя қилувчи «Соф юраклар» номли романим, бир совхоздаги пахтакорлар меҳнатини таранним этувчи «Анифа» ва «Садоқат» номли киссаларимнинг асосий негизини халқлар ўртасидаги ленинча дўстлик ғоялари ташкил этади. Ҳатто биринчи китобини 1939 йилда ёзиб, иккинчисини 1980 йилда тугатиб, айни кунларда «Йилдиз» («Юлдуз») журналида эълон қилинаётган тарихий мавзудаги «Олим Асамат ўғли» номли романимнинг бош қаҳрамони — Олим Асамат ўғли ҳам бу асарда чор самодержависи зулмидан эзилган ҳамма миллатларнинг ҳалоскори сифатида гавдаланади.

Ҳар бир инсон қалбида дўстлик туйғуси мавж уради. Жонажон Коммунистик партиямиз кишиларди бу муқаддас туйғуни ривож топтириб, совет ёшларини интернационализм ғоялари руҳида тарбиялашмоқда. Бу — давримиздаги табиий ҳодиса бўлиб, ҳар бир совет кишисининг орзу ва интилишларини акс эттиради.

РЎЗИ ҚОДИРИЙ

МЕҲР ОҒУШИДА

Ўзбек — уйғур халқларининг қон-қардошлик, дўстлик муносабатлари ва ўзаро яқинлигининг тарихи жуда қадимийдир.

Улуғ Октябрь бу халқлар тарихида янги бир давр очдики, азалий дўстликни, қон-қардошликни, ҳамкорликни янгича заминда яна ҳам мустаҳкамлади. Унинг самаралари ўлароқ Шарқий Туркистон халқи янги, порлоқ ҳаёт қуриш йўлида дадил курашга отланди. Ленин даҳосидан зиё симира бошлади. Юзлаб, минглаб уйғур йигит-қизлари Ўзбекистоннинг маърифат ўчоқларида тобланди. Олим, адиб, шоир, санъаткор, муаллимлар бўлиб етишишди.

Қардошлигу дўстлик
қўридан,
Дунёмизнинг қалби
лимму-лим.
Ким симирса унинг
нуридан,
Етмиш мақсад, муродга
доим.
Шонин ёйиб
қардошлигимиз,
Башарга бахш этмиш
фароғат.
Қулоч ёзиб
дамдошлигимиз,
Қучмиш сўнгсиз омад,
камолот.
Умримизнинг мазмуни —
зафар,
Ҳар лаҳзада енгмиш
ҳикмати;
Шу дўстликдир этган
музаффар,
Оламчадир кучи-қудрати.
Унга ғаним беролмайди
дош,
Дод устига дод дер,
ютар қон!
Талвасада кўздан тўкар
ёш,
Йўллар олмиш жаҳаннам
томон!
Ғолиб дўстлик қуёшин
қутлаб,
Ёғдуларин қуйлаётирман.
Дўстлар, сизга қалб
гулин ростлаб,
Дўстлик назмин
сўйлаётирман.
Мумкин тоғин ўрнидан
қўзғаш,
Қўзғаб бўлмас дўстлик
биносин,
Юраклардан ҳеч юлиб
бўлмас,
Қардошлигу дўстлик
зиёсин.

ЭКРАНДА МОНГОЛИЯ ФИЛЬМЛАРИ

Бугун ҳам пойтахт области кинотеатрларида, маданият саройларида ва клубларида Монголия Халқ Республикаси киностудияларида ишланган фильмлар намойиш қилинади. Уч кундан бери давом этаётган бу, ўзига хос кинофестиваль СССР ва МХР ўртасидаги ҳамкорлик, ўзаро ёрдам тўғрисида тузилган шартноманинг 35 йиллигига бағишланмоқда.

Томошабинлар монгол халқининг курашини, бунёдкор меҳнатини, серқирра ҳаётини акс эттирувчи «Даштдаги бўрон», «Синфдошлар», «Мотор овозлари», «Кураш», «Душман уясида» каби фильмларни зўр қизиқиш билан кутиб олдилар. Шунингдек, Монголия ҳақида совет кинематографчилари суратга олган бадиий асарлар ҳам намойиш этилмоқда.

ХОРИЖЛИКЛАР ҲАЙРАТИ

Ховард Ли ПАРСОНС,
Бриджпорт университети
профессори (АҚШ):

— Миллатларнинг чинакам бирлигини мен бу ерда, Ўзбекистонда ва албатта, бутун Совет Иттифоқида кўрдим. Ҳар хил миллатларнинг Совет Иттифоқидек ягона давлат доирасида яшаши ва ҳамкорлик қилиши имкониятини Ленин донолик билан башорат қилган. Бир вақтлар «халқлар турмаси» бўлган собиқ Россия социалистик революция натижасида озод ва мустақил халқлар эркин ҳамкорлик қиладиган давлатга айланди, бу халқларнинг ҳар бири ривожланиб, ўз орзу-умидларини рўёбга чиқариб бошқаларга ҳам ёрдам бермоқда. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи шундай бир жамият тараққиётига йўл очиб бердики, бу жамиятда «уруш» тушунчаси йўқолиб бормоқда, дўстлик ва ўзаро ёрдам эса яшашнинг асоси ҳисобланади.

Майкл ЛУКАЧ,
«Канада—СССР» жамиятининг президенти (Канада):

— Ўзбекистон халқлари, ҳозир ўз миқёси жиҳатдан мислсиз тараққиёт йўлидан бормоқда ва Совет Иттифоқидаги бошқа халқлар билан бирга шундай келажакни бунёд этмоқдаки, у барча халқлар учун намуна бўлиб хизмат қилади.

Ринн КАПУР,
кино артисти (Ҳиндистон):

— Тошкент кинофестивали кўплаб ҳар хил қаяжонли фильмларни кўриш имкониятинигина бериб қолмай, бу фильмларни бошқа халқаро кўрикларда кўрмайсан, шу билан бирга Совет Иттифоқи няма эканлигини, Совет Ўзбекистони қандай гўзаллигини, унинг самимий одамларини, бу ерда қарийб юз миллат вакиллари нақадар иноқ яшашини ҳам ҳис этиш имконини беради.

Мэри КОФФИ,
прогрессив негр аёллар ҳаракатининг иштирокчиси, тарих ўқитувчиси (АҚШ):

— Мен — қора танлиман, аммо Сизнинг юртингизда бўлиб, мамлакатингизда иқлим камситишлар йўқлигини сездим. Биламанки, сизда истаган одам билан хоҳлаган мавзуда гаплашиш мумкин, хоҳлаган ерга бориш мумкин.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ВЬЕТНАМ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

ХАНОЙ, 13 январь. (ТАСС). Вьетнам Социалистик Республикаси ташқи ишлар министрлигининг вакили Таиланднинг ғўё «Вьетнам ва Кампучия қўшинлари Таиланд территориясига бостириб кирди» деган уйдирмаларини қўпол ва асоссиз туҳмат деб баҳолади.

ВСР ташқи ишлар министрлиги вакилининг бу ерда эълон қилинган баёнотида қуйидагилар уқтирилади: Таиланд ҳукмрон доираларининг ўзи халқ Кампучиясига нисбатан қилаётган жиноятларини ниқобламоқ учун уларга пропаганда мақсадидаги ана шу ёвуз ниятли найранг даркор бўлиб қолди. Аммо ҳеч қандай бўҳтонлар ҳақиқатни бузиб кўрсатишга қодир эмас. Жаҳон жамоатчилигига шу нарса яхши маълумки, ВСР билан КХР тинчликсевар ташқи сиёсатни изчиллик билан ўтказиб келаётган бир пайтда Пекининг тазйиқига бардош беролмай қолган Таиланд ҳукмдорлари батамом йўқ қилиб ташланмаган полпотчи шайкаларнинг қолдиқларини қўллаб-қувватламоқдалар, Кампучиянинг суверенитети ва территориал бутунлигини қўпол равишда бузмоқдалар. Айни шу Таиланднинг ҳаттиҳаракатлари, у эгаллаб турган хунук бир позиция Ҳинди-Хитойда ва Жануби-Шарқий Осиёда кескинлик манбаи бўлиб турибди.

ВСР ҳукумати, деб таъкидланади баёнотда, Таиланднинг мустақиллиги, суверенитети ва территориал бутунлигини ҳурмат қилади ҳамда Ҳинди-Хитой мамлакатларига нисбатан худди шундай муносабатда бўлишни Таиланд томонидан талаб қилади.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

▲ СОФИЯ. Силистрдаги «Камишит» комбинати янги йилдан бошлаб 250 дан зиёд хилма-хил ажойиб ёдгорликлар тайёрлаб чиқаришга киришди. Булар орасида соломдан, сунъий теридан, ёғочдан, тобланган темирдан ишланган буюмлар бор.

▲ ПАРИЖ. Франция саноат корхоналари меҳнаткашларидан қарийб 1,3 миллион киши ҳар йили ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларга учрамоқда, улардан икки мингга яқин киши ҳалок бўлмоқда.

▲ ОТТАВА. Канадада ўқиш қаҳрининг борган сайин қимматлашаётганлиги туфайли илмий даражаси бўлган мутахассислар сони тобора камаймоқда.

(ТАСС, 14 январь).

«ТАЖРИБАЛАР»НИНГ ОҚИБАТЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 13 январь. (ТАСС). Савдо-саноат доираларининг органи «Бизнес уик» журнали Хитойда пулнинг қадрсизланиши «тобора кўпроқ хатарли нисбат» касб этиб бормоқда, деб ёзади. Пул қадрсизланишининг йиллик суръатлари ҳозир ўрта ҳисобда 7 процентни ташкил этмоқда. Энг йирик шаҳарларда биринчи навбатда зарур бўлган молларнинг нархлари яна ҳам тезроқ — йилига 10—12 процентдан ортиб бормоқда.

Журналнинг ҳисоб-китобларига кўра, Хитой 1980 йилни 12 миллиард доллар миқдоридаги бюджет камомати билан тугаллади. Химия, кон-руда саноати ва оғир саноатнинг бошқа тармоқлари ҳом ашё ва энергия тақчиллиги, транспорт ишидаги узилишлар сабабли турғунлик ҳолатида қолмоқда. Чет эл валютаси запаслари муттасил камайиб кетмоқда.

«Уолл-стрит журнали» газетаси қайд этганидек, кейинги йилларда Хитой саноатида ўтказилаётган «тажрибалар» айрим корхоналар ўртасида рақобатчилик кураши кучайишига олиб келмоқда. «Айрим районларда,— деб ёзади газета,— «ўзга» вилоятлардан мол келтирилишига йўл қўйилмаяпти. Бундан ташқари эндиликда ҳар бир корхона ўз ихтиролари ва технология соҳасидаги янгиликларини илгари бўлганидек ўртоқлашиш ўрнига уларни зўр бериб сир сақламоқда».

Спорт

САФАРДА ҒАЛАБА

Тошкент Давлат университети баскетболчилари ўз ўйинларни билан мухлисларни мамнун этмоқдалар. Тошкентда Москванинг «Динамо» командаси билан бўлган ўйинда 98:90 ҳисобида ғолиб келган командамиз сафарда Новосибирскнинг «Локомотив» коллективи билан учрашиб, яна зафар қучди. Биринчи бўлимда беш очко фарқ билан 33:38 ҳисобида ютказиб турган «Университет» 80:78 ҳисобида ғалабага эришиб, очколарини 25 тага етказди. Командамиз жадвалда 11-ўринни эгаллаб турган бўлсада, бошқа коллективларга қараганда 3—4 та кам ўйин ўтказган.

ФИНАЛГА ЙЎЛЛАНМА

Пятигорск шаҳрида қизлар ўртасида СССР зона биринчилигида қатнашган «Еш куч» командамиз 5 та ўйин ўтказиб, ҳаммасида ғолиб келди. Вакилларимиз Туркманистон командасини 79:31, Эстония вакилларини 85:59, Ленинград баскетболчиларини 72:52, Волгоград командасини 84:75 ва Арманистон спортчиларини 73:30 ҳисобида мағлубиятга учратиб, финалга чиқдилар.

Қўл тўпи бўйича Бутуниттифоқ зона биринчилигида қатнашган Тошкент шаҳар ўсмирлар ва қизлар командалари ҳам финалга йўлланма олдилар. Улар зона беллашувларда РСФСР вакилларидан кейин иккинчи ўринни эгаллашди.

ВАТЕРПОЛЧИЛАРНИНГ ИККИНЧИ ДАВРА ЎЙИНЛАРИ

Кеча Минск шаҳрида сув полоси бўйича мамлакат чемпионати олий лигаси қатнашчилари иккинчи давра ўйинларини бошлаб юбордилар. Тошкентнинг «Меҳнат» командаси Бокунинг Қизил байроқли Каспий флоти ватерполчилари билан учрашдилар. Бугун эса Москванинг «Динамо» коллективи билан куч синашадилар. Спортчиларимиз қолган учрашувларни МГУ, «Динамо» (Киев), «Динамо» (Львов) ва «Локомотив» (Харьков) командалари билан ўтказадилар. «Меҳнат» биринчи давра ўйинларидан кейин 6 очко билан жадвалда кучли олтиликдан ўрин олиб турибди.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

Реклама ва эълонлар

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездига бағишлаб

Тошкент область шаҳарлари ва районларидаги кинотеатрлар экранларида
Марказий киностудияларда ва иттифоқдош республикалар киностудияларида ишлаб чиқарилган

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР КИНОФЕСТИВАЛИ ЎТКАЗИЛАДИ

УКРАИНА ССР КИНОСТУДИЯЛАРИНИНГ МАҲСУЛОТИ

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДА
15—22 январь — **Қизил дипкурьерлар** (Одесса киностудияси).
20—21 январь — **Сержант Цибулянинг дала сафари** (Довженко номли киностудия).

БЕКОБОД ШАҲРИДА
15 январь — **Оғир сув** (Довженко номли киностудия).
26 январь, 8 февраль — **Кўрик** (Довженко номли киностудия).
28 январь, 4 февраль — **Ипподром** (Одесса киностудияси).

БЕКОБОД РАЙОНИ
16—22 январь — **Оғир сув** (Довженко номли киностудия).
21—27 январь — **Қизил дипкурьерлар** (Одесса киностудияси).
29 январь, 4 февраль — **Кўрик** (Довженко номли киностудия).

ОҲАНГАРОН РАЙОНИ
24—25 январь — **Оловли Аллегро** (Одесса киностудияси).
30—31 январь — **Оловли соҳил** (Одесса киностудияси).

ПИСКЕНТ РАЙОНИ
15—16 январь — **Болалар фронтга боришарди** (Одесса киностудияси).

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ
15—16 январь — **«Ўлим» сўзини унутинг** (Одесса киностудияси).
18—30 январь—**Оқ соя** (Довженко номли киностудия).

КОММУНИСТИК РАЙОНИ
15—22 январь — **Оловли соҳил** (Одесса киностудияси).
28—30 январь — **Марина** (Довженко номли киностудия).

БЎКА РАЙОНИ
15 январь — **Жиноят қидирув бўлими инспектори** (Довженко номли киностудия).
15—21 январь — **Контрабанда** (Одесса киностудияси).
24—25 январь — **Сен фақат йиғлама** (Довженко номли киностудия).
29—30 январь—**Шчорс** (Довженко номли киностудия).

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА
15—18 январь — **Эртага келинг** (Одесса киностудияси).
19—25 январь — **Шчорс** (Довженко номли киностудия).

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ
15—17 январь — **Ипподром** (Одесса киностудияси).
24—30 январь — **Дудариклар** (Довженко номли киностудия).
28—31 январь — **Махсус топшириқ олган поезд** (Довженко номли киностудия).
18—23 январь — **Ўта хавфлилар** (Довженко номли киностудия).

ЧИНОЗ РАЙОНИ
15—17 январь—**Ўтда лиқиллган картошкалар байрами** (Довженко номли киностудия).
15—21 январь — **Ўтли Аллегро** (Одесса киностудияси).
28—30 январь — **Сержант Цибулянинг дала сафари** (Довженко номли киностудия).
25—31 январь — **Махсус топшириқ олган отряд** (Одесса киностудияси).

ҚУСТОНЛИҚ РАЙОНИ
15—21 январь — **Махсус топшириқ олган отряд** (Одесса киностудияси).
16—17 январь — **Уроччилар** (Довженко номли киностудия).
18—29 январь — **Ковпак ҳақида ўйлар. «НАБАТ»** (Довженко номли киностудия).
20—21 январь — **Ковпак ҳақида ўйлар. «БЎРОН»** (Довженко номли киностудия).
25—31 январь — **Ипподром** (Одесса киностудияси).

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Комил ЕРМАТОВ номли «Ўзбекфильм» киностудияси КИНОАКТЁРЛИК СТУДИЯСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсга яхши ташқи кўринишга эга бўлган, 17 ёшдан 19 ёшгача бўлган тошкентлик ўрта маълумотли, маҳаллий миллат йигит-қизлари таклиф қилинадилар.

Конкурсда қатнашувчилар комиссияга 9x12 см. катталикдаги фотосурат, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан ва соғлиғи тўғрисида справкаларни топширадилар.

Ижодий конкурсдан ўтиш учун масал, шеър, поэзия (роман, повесть, пьесадан парча) ўрганиши, этюд кўрсатиши лозим.

Конкурс 15 январдан 15 февралгача ўтказилади. Ҳужжатлар «ЎЗБЕКФИЛЬМ» киностудиясининг киноактёрлик студиясида қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 1-уй Ҳар куни (шанба ва душанбадан ташқари) соат 10.00 дан 15.00 гача учрашилсин. 77-95-51 телефони орқали справка олиш мумкин.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.20 — Гимнастика. 10.05 — Горничилар, қаердасиз! 10.35 — Шаҳзода Флоризелнинг саргузашти. Бадиий фильм. 2-серия. 11.40 — СССР халқ артисти И. Богачёва концерти. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.15 — Шахмат мактаби. 16.45 — Биз билан бирга, ҳудди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар. 17.45 — СССР билан Монголия Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида шартнома имзоланганлигининг йиллигига. 18.55 — Миллионлар ленинча университети. 19.05 — Мультфильм. 19.15— Дунё воқеалари. 19.30 — Концерт. 20.25 — Шаҳзода Флоризелнинг саргузашти. Бадиий фильм. 3-серия. 21.30— Время. 22.00 — КПСС XXVI съезди олдидан. Озарбайжон ССР телевидениесининг программаси. 24.00 — Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Фильм-концерт. 12.15 — Тенгдошларинг ижоди. 12.55 — Лайлак учди, ғоз учди. Бадиий фильм. 18.20— Болалар учун фильм. 18.30— Ёшлик. 19.00 — Янги марралар. 19.30 — Ахборот. 19.45— Муйқалам усталари замонамиз ҳақида. 20.10 — Турмуш ва маданият. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30— Время. 22.00 — Чорвачилик зарбдор фронт. 22.20 — Телевизион театр.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Инглиз тили. 20.55 — Химия. 21.55 — Бизнинг бош мухбиримиздан. 22.25 — Ажал сиртмоғида. Бадиий фильм.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15Д да Ганг дарёсининг қизи (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗЫКАЛИ ТЕАТРИДА — 15Д да Нурхон, 16Д да Хўжайин.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41. | Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секрета риат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар— 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 06005. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64683. В. 1522.